O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 12 январь, № 9 (4162) Жума


## ФЕРМЕР ҚАНОТИ

*Аъзамжон Эсонов Хўжаобод туманидаги истиқболли "Нур — МТ" фермер хўжалиги раҳбари. Тасаррруфида 30 гектар ер бор. Унинг ўн беш гектарида кузги ғалла парваришлаётган бўлса, қолганига баҳорда чигит қадайди. Шу боис улар қишки дала юмушларини барвақт тугаллаб, ерни мавсумга ҳозирлаб қўйишган.*



*— Ўтган йил биз учун ғоят баракали келди, — дейди фермер. — Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи технологиялар савдо ярмаркасида иштирок этиб, трактор сотиб олдик. Лизинг асосида харид қилган хўжалигимиз қаноти —"ТТЗ-80" тракторимиз жорий йил ҳам омадли келишига имконият яратиши шубҳасиз.*

*Иқтисодни билган ютқазмайди. Хўжаликнинг ҳар томонлама ривожланишида фермер опаси — иқтисод фанлари номзоди Мамлакатхон Исмоилованинг маслаҳатларига суянади.*

**СУРАТДА: фермер Аъзамжон Эсонов Мамлакатхон Исмоилова билан.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Тошкент шаҳри Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилингани муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини самимий қутлашдан беҳад мамнунман.

Қайд этмоқчиманки, ислом дунёси имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий ва ал-Беруний, аз-Замахшарий ҳамда Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк уламоларнинг инсоният цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини эътироф этади ва юксак баҳолайди.

Ўз навбатида, Тошкент шаҳри Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилингани Сиз Жаноби Олийларининг илм ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислом цивилизациясини сақлаб қолиш йўлида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларингиз араб ва ислом мамлакатлари томонидан тан олинишининг яққол далили бўла олади.

Ўйлайманки, ислом дунёси Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий обидалари ва маданияти билан фахрланишга ҳақлидир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

**Муҳаммад Саййид ТАНТОВИЙ,**
**Мисрнинг "Ал-Азҳар" мажмуаси шайхи, бош имом.**

## ХАЛҚНИНГ СЎНМАС МУҲАББАТИ

*Шу йил 8 январь куни мамлакатимиз Президенти И. Каримов «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарорни имзоладилар. Катта ижтимоий-сиёсий ва маънавий аҳамиятли бу ҳужжат янги — 2007 йилимиз ғоятда хайрли саъй-амаллар билан бошланаётганлигидан бир эзгу далолатдир. Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли адиб хотирасига чуқур эҳтиром билан суғорилган ушбу Қарор халқимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди.*

Президентимиз миллий маданиятдаги, адабиёт ва санъатдаги асл қадриятларни асраб-авайлаш ва уларни халқ ўртасида кенг кўламда тарғиб этиш ишига доимо катта эътибор бериб келмоқдалар. Узоқ ва яқин ўтмишда яшаб ўтган ҳамда Ватан, миллат тараққиёти учун улкан хизматлар қилган маданий сиймоларнинг хотирасига чуқур эҳтиром кўрсатилмоқда. Биргина ўтган ХХ асрда яшаб, илм-фанда, адабиёт ва санъатда ўз салоҳиятлари ва истеъдодларини юксак бир даражада намоён эта олган кўпгина олимлар, адиблар, санъаткорлар хотираси давлатимиз раҳбарининг махсус фармонлари асосида «Буюк хизматлари учун» ордени билан эъзозланганлиги сўзимизнинг далилидир. Юртбошимизнинг улуғ адиб Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Қарори давлат миқёсида йўлга қўйилган ана шундай инсонпарварлик сиёсатини ўзида яна бир марта ёрқин ифода этувчи ҳужжат сифатида диққатга сазовордир.

### Президент қарорини ўқиб...

Абдулла Қаҳҳор ХХ асрда, юртимизда шўро мустабидлиги, унинг сиёсати ва мафкураси ҳукмрон даврда яшаб, ижод этди. Мустабидлик салтанати унинг тақдирини доимо таҳлика ва таҳдиднинг қора булутлари соясида тутиб туришидан ташқари адибнинг ижодига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Ва бундай қисматдан собиқ тузум шароитида ҳеч бир йирик истеъдод эгаси четда қолмаганлигини ҳам унутмайлик. Аммо чинакам истеъдод ҳаётда доимо ҳақ. Оғир тарихий-сиёсий шароитда ҳам Абдулла Қаҳҳор бир-биридан гўзал, ажойиб асарлар ярата олди ва уларнинг аксарияти миллий адабиётимиз дурдоналари қаторидан ҳақли равишда ўрин олди.

Абдулла Қаҳҳор — сўзнинг чинакам маъносидаги халқ ёзувчиси эди. У халққа муносабатда, миллатнинг қадр-қиммати учун курашда барча ёзувчиларни ҳалол ва шижоатли бўлишга умр бўйи даъват этиб келди. Бунинг устига, адибнинг бевосита ижодидаги теран халқчил руҳ бошқа адиблар ва адабиётдаги ёш авлод учун ёрқин ибрат даражасига кўтарилди ва шундай бўлиб қолмоқда. Бу халқчиллик фақат ёзувчи асарларининг тилида эмас, балки, атоқли адибимиз Пиримқул Қодиров мақолаларидан бирида таъкидлаб айтганидек, Абдулла Қаҳҳор жонли халқ тилини келтириб чиқарган ҳаётни, халқнинг турмушини, оддий кишининг ички дунёсини, руҳиятини яхши билар эди. Халқни «ичдан билиш»да А.Қаҳҳор беқиёс адиб эди.

Абдулла Қаҳҳор ўзбек адабиётига истеъдодли янги авлод вакилларининг дадил кириб келиши йўлида ҳам улкан хизматлар қилди.

Қарорда Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш жорий йилнинг олтин куз ойларида ўтказилиши белгиланган. Худди ўша кунларда юртимизда «Абдулла Қаҳҳор ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтади. Адиб юбилейи Ўзбекистон миллий академик драма театрида тантанали нишонланади. Унгача пойтахтимиздаги Абдулла Қаҳҳор уй-музейи тубдан қайта таъмирдан чиқарилади. Театрларда Абдулла Қаҳҳор асарлари асосида спектакллар қўйилади. Адибга ҳайкал ҳам ўрнатилади. Шунингдек, унга бағишланган ҳужжатли фильм яратилади. Адибнинг сиймоси туширилган ва асарлари мавзуси асосида почта маркалари, конвертлар туркуми чиқарилади. Биз улуғ адиб юбилейи билан боғлиқ равишда Қарорда белгиланган муҳим тадбирларнинг айримларини санаб ўтдик, холос.

Шу ўринда Президентимиз Қарорининг яна битта ўрнига алоҳида эътиборни қаратгимиз келди. Ушбу ҳужжатнинг муқаддимасида «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ижодий меросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасида муҳим аҳамиятга эга» экани алоҳида таъкидланган. Абдулла Қаҳҳорнинг инсондаги инсонийликни ёрқин тараннум этувчи, одамийлик шаънига доғ туширувчи иллатларнинг авра-астарини ағдариб, кескин фош этувчи ва бошқа кўпгина нодир хусусиятларга эга бўлган асарлари, чиндан ҳам, ҳозирги кундаги улкан орзу-мақсадларимиздан бўлган ҳар жиҳатдан баркамол янги авлод тарбиясига самарали хизмат қиладиган маънавий бойликдир. Афсуски, ҳозирги ёшлар Абдулла Қаҳҳор ижоди билан яхши таниш эмас. Шу маънода, Қарорда белгиланганидек, юбилейга ҳозирлик кўриш мобайнида улуғ адибнинг бир жилдлик сайланма асарлари ҳамда адибга бағишланган Кибриё Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас» номли хотиралар китобининг қайта нашр этилиши бу янги авлод учун ажойиб совға бўлади. Бундан ташқари, ушбу Қарордан келиб чиққан ҳолда, мактабларда, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим даргоҳларида, олий ўқув юртларида Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодига бағишлаб ўтказиладиган турли адабий-бадиий тадбирлар ҳам ёшлар ўртасида адиб ижодини тарғиб этишда алоҳида ўрин тутади.

Мустақиллик даврида Ғ.Ғулом, Ойбек каби улуғ адиблар таваллудининг 100 йиллик тўйларидан кейин энди Абдулла Қаҳҳордек яна бир улуғ сўз санъаткорига кўрсатилаётган катта эҳтиром — ҳақиқий қадриятлар ҳеч қачон ўлмаслиги, улар доимо эзгулик, яхшилик ва тараққиёт хизматида эканлигининг порлоқ далилларидир. Абдулла Қаҳҳор сиймоси ва ижодига халқимизнинг муҳаббати асло сўнмайди.

**М.САФАРОВ.**

## ПОКИСТОН СЕНАТОРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Покистон Ислом Республикаси Сенатининг халқаро ишлар бўйича қўмитаси раиси Мушоҳид Ҳусайн Саййид раҳбарлигидаги делегация 11 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари Ф.Муҳиддинова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Покистон олий қонун чиқарувчи органларининг ҳамкорлигини янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди. Томонлар икки мамлакат парламентлари ўртасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини фаоллаштириш зарурлигини қайд этдилар.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида имзоланган ҳужжатлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон ва Покистон олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашилди.

Покистонлик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири В.Норов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Б.Худойбердиев билан учрашди.

Делегация аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейида Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар билан танишди. Меҳмонлар мамлакатимизда халқимизнинг қадимий ва бой тарихини чуқур ўрганиш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва сақлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг кўлами беҳад кенг эканини алоҳида таъкидладилар.

— Ўзбекистон тарихига, буюк аждодларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром Президент Ислом Каримовнинг мамлакат равнақи йўлида олиб бораётган фаолияти нечоғли кенг кўламли эканининг яна бир тасдиғидир, — деди Покистон Ислом Республикаси Сенатининг халқаро ишлар бўйича қўмитаси раиси Мушоҳид Ҳусайн Саййид. — Бунга биз Темурийлар тарихи давлат музейида бўлганимизда яққол ишонч ҳосил қилдик.

Меҳмонлар ташриф давомида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини ҳам зиёрат қиладилар.

**Орифжон ТУРОПОВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокидаги минтақавий семинарлар бошланди.***

## МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳрини қамраган минтақавий семинар очилди. Унда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида мамлакатимизда рўй бераётган буюк ўзгаришлар қайд этилгани, жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилгани таъкидланди.

Юртбошимизнинг ушбу маърузаси мазмун-моҳиятини, унда белгилаб берилган устувор вазифаларни чуқур англаш, бу борадаги масъулиятни ошириш давлат бошқарувининг турли бўғинларида хизмат қилаётган раҳбар ходимларнинг фаолиятида дастуриламал бўлмоқда. Зеро, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом эттиришда, жамиятни демократлаштириш ва янгилашда, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишда, фуқароларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлашда раҳбар кадрлар зиммасига катта масъулият юклангандир.

Бу эса барча бўғиндаги раҳбардан юксак билим ва салоҳият, жаҳонда ва мамлакатимизда рўй бераётган воқеа ва ўзгаришларни теран англай олиш, мураккаб вазиятларда аниқ қарорлар қабул қилиш, одамларни ўз ортидан эргаштира билиш билан боғлиқ кўплаб фазилатларга эга бўлишни талаб этади.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўтказилаётган мазкур минтақавий семинарда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, қўлга киритилган ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар атрофлича муҳокама этилаётир.

Семинарнинг биринчи кунида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги қарорларида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг асосий вазифаларига оид масалалар хусусида сўз юритилди.

Семинар давомида давлатимиз ташқи сиёсати, хорижий инвестицияларни жалб этиш, янгича иқтисодий тамойилларни жорий этиш, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда ҳудудий омиллардан самарали фойдаланиш, глобаллашув шароитида миллий хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, фермерларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришини молиялаштириш ва кредитлаш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар ҳақида олим ва мутахассисларнинг маърузалари тингланади.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Табиатга эътибор кўнгилдагидайми?

*Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида қўриқхоналар ва миллий боғлар фаолиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда қўмитанинг Бионазорат бошқармаси мутахассислари, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ходимлари ва кенг жамоатчилик иштирок этди.*



Анжуман

Анжуман аввалида қўмитанинг ахборот хизмати томонидан тайёрланган ҳужжатли фильм намойиш этилди, фотоальбом ва рисолалар билан таништирилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимиз табиатини сақлаб қолишда қўриқхоналарнинг аҳамияти ва унда жамоатчиликнинг ўрни ҳамда бурчи тўғрисида гапирдилар. Жумладан, аҳоли ўртасида ушбу ҳудудларга нисбатан тўғри муносабат шаклланмагани ва бунда тарғибот-ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилмагани таъкидланди.

Анжуманда, шунингдек, қайта тикланувчи табиий энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, миллий боғларда экотуризмни ривожлантириш истиқболлари юзасидан қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

**А.САМАДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА



МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

*Айтмасам бўлмас!*

АНДИШАНИНГ ОТИ ҚЎРҚОҚ ЭМАС

БИР ТОПИЛМА ТАРИХИ



*«Тиб қонунлари»нинг Асака нусхаси*

## ЭШИТДИНГИЗМИ?



**Наманганда вилоят тиббиёти тарихида биринчи бор Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош кардиожарроҳи, тиббиёт фанлари доктори К. Бобожонов раҳбарлигида сунъий қон алмаштириш шароитида юрак операцияси амалга оширилди. Юрак нуқсонининг оғир тури — Фалло триадасидан азоб чеккан тўққиз ёшли бемор Мухлиса Ҳакимова айни пайтда ўзини жуда яхши ҳис қилмоқда.**

2007 йилнинг 1 январидан бошлаб Сиз «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари электрон нусхаси билан танишиш имконига эгасиз. Бунинг учун ушбу газеталар электрон нусхасига обуна бўлинг. Маълумот учун телефон (факс): 133-10-03

## 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



# ЖАСУР АСКАР — АЪЛОЧИ ТАЛАБА...

*Фарғона политехника институти ректори, профессор Расулжон Тожиев ана шундай фикрда*

Ҳарбий хизмат — ёшларимизда мустаҳкам ҳаётий тамойилларни, ўз ватани ва халқига нисбатан меҳр-мурувват туйғуларини шакллантирадиган, уларни ижтимоий ва маънавий жиҳатдан чиниқтирадиган мактабдир. Шу боис, республикамиз ҳукумати томонидан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшларга катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 октябрдаги «Муддатли ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида» ҳамда 2003 йил 22 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарорлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Қувонарлиси шундаки, мазкур ҳужжатлар асосида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшларимиз мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга кириш ва танлаган мутахассисликлари бўйича олий маълумот олишлари, энг муҳими, ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишлари учун қўшимча имтиёз ва имкониятларга эга бўлмоқдалар. Ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаётган ёшларни ҳар томонлама рағбатлантиришга эътибор ортиб бораётганлиги уларга катта қулайликлар ва шароитлар яратиб бериш билан бирга фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Айниқса, республикамиз Президенти томонидан ўтган йили имзоланган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор бу борадаги ишларни янада самарали ташкил қилиш учун муҳим омил бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур Қарорга кўра, республикамиз Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, қўмондонликнинг тавсияномаси билан қайтган йигитлар учун мамлакатимиз олий ўқув юртларига киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз бериш белгиланди.

Қарорда ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ танлов давомида (тест синовида) керакли балл тўплай олмаган муддатли ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентлар таълимнинг педагогика, қишлоқ хўжалиги, табиий-илмий ва техника йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилиниши назарда тутилганлиги ҳам олий маълумот олиш орзусида бўлган ёшларимизнинг ҳаётий мақсадларига эришиш имкониятларини янада кенгайтирди.

Қарорнинг махсус банди билан эса республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларга, «Камолот» ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари ҳаётида фаол иштирок этган тақдирда контракт суммасининг 35 фоизини тўлов тариқасида моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги таклифи маъқулланиб, фидойи ёшларимизни янада қўллаб-қувватлаш борасида ўзига хос ғамхўрлик қилинди.

Давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан фидокор ёшларга нисбатан кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик, албатта, келажакда ўз юрти ва ватани истиқболи учун бефарқ ва лоқайд бўлмаган мутахассис кадрларни тайёрлашда ўзининг меваси ва ижобий самарасини беради.

Институтимиз минтақадаги саноат корхоналарига олий маълумотли муҳандис мутахассис кадрларни тайёрлаб бериш мақсадида ташкил этилган эди. Ўтган 40 йил мобайнида институт моддий базаси мустаҳкамланди, илмий-педагогик салоҳияти ўсди. Айниқса, мустақиллик йиллари институт ривожида янги даврни бошлаб берди. Бунда, албатта, юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги давлат қонунларининг қабул қилиниши муҳим роль ўйнамоқда.

Жумладан, институтда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган абитуриент ва талабаларга доир ҳукумат қарорларининг изчил ижросини таъминлаш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Институтимизда бундай ёшларнинг ўқишга кириш учун тайёргарлик кўришларини ташкил қилишга қаратилган махсус тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, қабул комиссияси томонидан мазкур тоифали абитуриентлар учун алоҳида тайёрлов хизмати ташкиллаштирилди. Армия сафидан қайтган абитуриентлар учун доимий бепул тайёрлов курслари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Шарқий Ҳарбий Округ қўмондонлиги билан келишилган ҳолда институтнинг нуфузли профессор-ўқитувчилари бевосита ҳарбий қисмларнинг ўзида ташкил этилган тайёрлов курсларида дарс бериш учун жалб этилди. Армия сафидан тавсияномалар билан келган абитуриентлар бепул турар-жой билан таъминланиб, умумий овқатланиш, маиший, тиббий, алоқа хизматидан фойдаланишлари учун керакли шароитлар яратиб берилди.

Бугунги кунда институтимизда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, тавсияномалар асосида ўқишга қабул қилинган талабалар 265 нафарни ташкил қилади. Улардан 155 нафари давлат гранти асосида, 110 нафари эса тўлов-контракт асосида таълим олмоқда. Тўлов-контракт асосида таълим олаётган собиқ «ҳарбий хизматчи» талабаларнинг 35 фоиз миқдордаги тўлов қисмини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз зиммасига олган. Бу талабалар тажрибасини оммалаштириш, уларга хос мустаҳкам ҳаётий позицияни барча тоифадаги бошқа талабаларда ҳам қарор топтириш мақсадида институтда «ҳарбий хизматчи» талабалар билан учрашувлар, улар иштирокидаги турли хил маънавий-маданий тадбирлар ташкил этиб турилибди. Юксак ватанпарварлик фазилатларини ўзида мужассам этган бундай талабалар ўқиши, муомала маданияти, хулқ-атвори каби сифатлари билан бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Ана шундайлардан бири институтнинг Қурилиш факультети II курс талабаси Акмалжон Азимов 2004-2005 йилларда йигитлик бурчини ўтаган. Ҳарбий хизмат чоғидаги намунали хулқи, одоби ва эришган муваффақиятлари эътиборга олиниб, унга олий ўқув юртига кириш учун қўмондонликнинг тавсияномаси берилган эди. Ушбу тавсиянома асосида А. Азимов институтимизга ҳужжат топширди ва тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, ўқишга қабул қилинди. Мана, икки йилдирки, у институтда ота-оналари, қариндош-уруғлари ва ҳарбий қисм ишончини тўлиқ оқлаган ҳолда, аъло баҳоларга ўқимоқда. Яқинда республика телевидениеси бу илғор талаба тўғрисида, унинг сафдошлари, оила аъзолари ҳақида махсус кўрсатув тайёрлаб, «Спорт» канали орқали намойиш қилди.

Ҳозир Акмалжон ва талаба сафдошлари Мансур Кенжаев, Фурқат Раҳимов, Сарвар Саидаҳмедов, Миродил Боййигитов, Улуғбек Йўлдошев, Шаҳобиддин Сулаймоновлар ўзаро ҳамкорликда Ватан ҳимоячилари байрами, Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллигига бағишлаб алоҳида дастур тайёрлашди.

Ватан ҳимояси учун ўзини фидо қилаётган ёшлар қадрланаётганлиги, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодга нисбатан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва меҳрибонликнинг алоҳида намунасидир. Ҳар нафасда давлатимиз, халқимиз томонидан ардоқланаётган бундай ёшлар ҳам ўз юрти ва халқи учун фидойи фарзандлар бўлиши муқаррар.

**«Халқ сўзи» мухбири Набижон СОБИР ёзиб олди.**

# Само лочинлари

**Ҳавога кўтарилган вертолёт кўп ўтмай ўнг томонга қараб оға бошлади. Уни бошқараётган курсантнинг ишончсиз ҳаракати вазиятни янада мураккаблаштирди. Устига устак, вақт йўқотилгани боис аэродромнинг дастлабки бурилиш жойидан манзил томон қайрилиб олишнинг имкони бўлмади. Учувчи бунга улгурмади...**

*Вертолёт рулига бошқа курсант — учувчилар факультетининг 3-курс талабаси Жаҳонгир Эргашев ўтирди. У вертолётни енгил учириб, эркин бошқарди. Ўзига хос мураккаб йўналишлардан белгиланган баландликда учиб, муддатида ерга қўнди.*

*Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти курсантлари дастлабки «учиш»ларини махсус жиҳозланган, авиация стимулятори, деб аталадиган компьютер-тренажёр хоналарида ўтказишади. Бу вазифани бемалол эплаганларгина амалий машғулотларга қўйилади.*

*— Ҳозир сиз гувоҳи бўлган машқлар Жаҳонгир учун ўтиб бўлган жараён, — дейди билим юртининг учиш-услубий бўлими катта учувчиси, подполковник Максетбай Ембергенов. — Ўтган йили Фарғона вилоятида ўтказилган амалий машғулотларда у 17 соат давомида вертолётни мустақил бошқарди. Курсдошлари Қ. Шомуротов, А. Корчагин, Р. Муҳаммадаюпов, А. Турсуновлар барча машғулотларда аъло натижаларга эришдилар.*

*Айтишларича, дастлабки учишларгача бўлган синовларнинг ўзиёқ курсантларни анча пишириб қўяркан. Ердаги жисмоний, руҳий тайёргарликлар, парашютдан сакрашлардан бирор марта қониқарсиз баҳоландингми, учишга нолойиқ топиларкансан.*

*— Рости, амалий машғулотларни орзиқиб кутаман, — дейди курсант Шербек Исмоилов. — 3-4-курсларда камида 50 соатдан учишимиз режалаштирилган. Ана шу синовлардан ҳам муваффақиятли ўтсак, жанговар вертолётларни бошқариш насиб этади. Ҳар бир курсантнинг орзуси ҳам шу-да!*

*Олий ҳарбий авиация билим юртининг муҳандислик факультети 5-курс курсанти олтиариқлик Азамат Юсупжоновни жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедрасида учратдик.*

*Авиация жиҳозлари бўйича мутахассис бўлишни орзу қилган Азамат дўстлари билан навбатдаги спорт мусобақаларига тайёргарлик кўраётган экан.*

*Дарвоқе, билим юрти ёшлари республика Қуролли Кучлари миқёсида ҳамда Жиззах вилоятида ўтказилаётган мусобақаларда ҳарбий спорт турлари бўйича фаол қатнашмоқдалар. Билим юртининг 4-курсида таълим олаётган Маъруфжон Мамадалиев яқиндагина Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон кубоги мусобақаларида армрестлинг бўйича кумуш медални қўлга киритди.*

*Бир сўз билан айтганда, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида Ватанимизнинг мустаҳкам қалқонлари етишиб чиқмоқда.*

**Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Ҳар бир йигитнинг орзуси

**Яқинда тоғ бағридаги мўъжазгина бир қишлоқда тўй устидан чиқиб қолдик. Хонадон эгасининг тўнғич фарзанди ҳарбий хизматдан қайтган экан. Ҳовли ўртасида чамаси 4-5 ёшли «аскар бола» ҳаммани кулдирарди. Ҳарбийча кийиниб олган бу йигитчани меҳмонлар галма-галига саволга тутарди.**

*— Менинг акам ҳаммадан зўр, — дадил гапиради бола. — У аскар. Катта бўлсам, мен ҳам аскар бўламан.*

*Болакайнинг ҳарбийларга тақлидан қадам ташлашлари, аскарлик либосидан, ҳарбийдан қайтган акаси билан мағрурланиши ҳозирданоқ унинг қалбида Ватанга, юртга меҳр-муҳаббат пайдо бўлаётгани эмасми?*

*Кўнглимдан шундай фикрлар ўтар экан, яқиндагина Самарқанд вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Эркин Абдураҳмонов билан бўлган суҳбат ёдимга тушди.*

*— Кузги чақирув ниҳоясига етган бўлса-да, фарзандларини ҳарбий хизматга жўнатиш истагида келаётган ота-оналар кўп, — деганди у. — Мен улар билан суҳбатлашишга, арзу ҳолларини тинглашга имкон қадар вақт топаман. Ҳаммасининг мақсадлари бир — фарзанди Ватан ҳимоячиси бўлса. Очиғи, бундан қувонмай бўладими? Мана, мамлакатимиз Қуролли Кучларининг ташкил топганига ўн беш йил тўлаяпти. Шу даврда бу жабҳада қанчалик ўзгариш, қанчалик улғайиш бўлди. Армиямиз қудратининг йилдан-йилга ошиб бораётганида ана шу жонкуяр ота-оналарнинг, алпқомат ва ақлан баркамол йигитларимизнинг ҳиссалари катта.*

*Бугун аскар бўлиш ҳар бир йигитнинг орзуси. Ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, чин маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда. Армияда улар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланиб, ҳаётий қарашлари шаклланмоқда.*

*Эндиликда Ватан ҳимоясига, унинг сарҳадларини қўриқлашга йигитларнинг энг саралари жалб этилмоқда. Жойлардаги мудофаа ишлари бўлимларида баҳорги чақирувга ҳозирлик ишлари аллақачон бошлаб юборилди.*

*— Ватаннинг ҳар қарич ери муқаддас, — дейди Нуробод тумани Жом қишлоғида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийси Амир бобо Очилов. — Уруш йилларида кўп қийинчиликларни бошимиздан кечирдик. Тинч, фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин. Ўз юртининг ҳақиқий ҳимоячилари бўлган аскарларимиз омон бўлишсин.*

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Иқтисодий шарҳ

*Бу дастур, маълумки, иқтисодий жиҳатдан ночор ҳолатга тушиб қолган корхоналар ишлаб чиқаришини изга солиш, иш ўринларини тиклаш ва кўпайтириш, пировардида қувватлардан фойдаланиш даражасини кўтариш имкониятларини кўзда тутади. Уни изчил амалга ошириш Наманган вилоятида ҳам қатор корхоналарнинг оёққа туриб олишига кўмак бермоқда. Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят ҳудудий бошқармаси иқтисодий ночор ва монопол корхоналарни таркибий ўзгартириш бўлими бошлиғи Маъсумхон ХОЛМИРЗАЕВ дастур ижроси хусусида қуйидагиларни гапириб берди.*

# МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ДАСТУРИ

*Наманган вилоятида қандай амалга оширилмоқда?*

— **Б**анкротликнинг дастлабки кўринишлари, айримлар ўйлаганидек, корхона тугади, дегани эмас. Тўғри, қарздорнинг мажбуриятлар бўйича кредиторлар талабларини ҳамда мажбурий тўловлар бўйича ўз зиммасидаги масъулиятни тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги корхонани иқтисодий ночорликка олиб келади. Лекин амалда зарур чора-тадбирларни қўллаш орқали бу вазиятдан чиқиш учун имконият бор. Жумладан, банкротликкача бўлган тамойиллар — кузатув, санация, ташқи бошқарув каби оралиқ тадбирлар мавжуд. Масалан, вилоятимизда 2006 йил давомида суд томонидан 73 та корхона банкрот деб эътироф этилганида уларнинг меҳнат жамоалари анча ташвишга тушиб қолишганди. Бироқ «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида амалга оширилган чора-тадбирлар уларнинг вазиятдан чиқиб олишига йўл очди. 13 та корхона янги инвесторга сотилди, тўрттаси молиявий ҳолатини яхшилаб, ишлаб чиқаришни тиклашга эришди. Саккизтаси негизида эса янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

Молиявий соғломлаштириш ҳудудий дастури ижросини таъминлаш мақсадида бошқармамиз томонидан доимий мониторинг ўрнатилган. Иқтисодий ночор корхоналарда мавжуд қарздорликни камайтириш, айланма маблағларни тўлаш учун банк кредитларидан самарали фойдаланиш, хорижий сармоя иштирокида лойиҳаларни молиялаштириш вазифаларининг бажарилиши ҳафтама-ҳафта таҳлил этиб борилади. Ўзгаришлардан кўнгил кўтарилади. Чунончи, дастурга киритилган 34 корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли даражада ўсди.

Айни кунларда аксарият меҳнат жамоаларида 2006 йилда эришилган натижалар сарҳисоби олиб борилмоқда. Таъкидлаш керакки, молиявий соғломлаштириш дастури доирасидаги корхоналарнинг кўпчилигида ўсиш-ўзгаришлар катта экани кузатилмоқда. Улар орасида «Ўзэлектротерм» ҳиссадорлик жамияти ҳам бор. Бу ерда иш ташқи бошқарув асосида ташкил этилиб, йил 700 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан якунланди. Янги тартибда фаолият кўрсатиш даврида корхонанинг 70 миллион сўм ҳақини ундириш, кредиторлик қарзларини қоплашга эришилди. «Аснамтекстиль» қўшма корхонаси, «Баҳодир иншоот-сервис» корхонаси иш натижалари ҳам кишини қувонтиради. «Наманганмаш», «Ўрамли томёпқич ашёлари комбинати» ҳиссадорлик жамиятларида эса экспорт имкониятлари тикланиб, хорижга маҳсулот жўнатишга киришилди.

Иқтисодий ночор корхоналар аҳволининг ўнгланиши, энг аввало, унинг таъсисчиси ёки инвесторининг дадил ҳаракатларига боғлиқ. Агар тузилган битим ёки шартномалар қоғозда қоладиган бўлса, иш баттар чигаллашади. Таассуфки, бундай ҳолатлар ҳам оз бўлса-да учраб турибди. Хусусан, Уйчи туманидаги «Ипакчи» акциядорлик жамиятининг кузатув тамойили жорий этилгач, унинг 75 фоиз акциясига эгалик қилаётган «Ф.Ибрагимов» фермер хўжалиги 200 миллион сўм миқдорида сармоя киритиш орқали қувватлардан тўлиқ фойдаланиш мажбуриятини ўз зиммасига олганди. Бироқ сўз сўзлигича қолди. Натижада етарли хомашё жамғарилмагани боис «Ипакчи» тўхташ арафасида турибди. Янаям ачинарлиси, унинг фаолиятида банкротлик аломатлари кўзга ташлана бошлади.

Бошқа бир мисол. Вилоят марказидаги «Муштарий» ҳиссадорлик жамиятида иш юришмай қолган паллада чеварлар корхона акцияларининг асосий қисмини сотиб олган «Ўзинтеримпекс» компаниясига умид боғлашганди. Чунки бу компания АҚШнинг «Импро инвест ЛЛС» компанияси билан қўшма корхона тузиш ва унинг 500 минг АҚШ долларилик сармоясига замонавий тикув дастгоҳларини сотиб олиш, айланма маблағларни тўлдириш учун эса ўзи 500 минг АҚШ долларилик сармоя киритиш мажбуриятини олган эди. Амалда ваъдаси устидан чиқмади. Айни пайтда Республика Давлат мулки қўмитасида сармоявий мажбуриятни бажармаган «Ўзинтеримпекс»нинг «Муштарий» 33,4 фоиз акциясини сотиб олиш юзасидан тузилган олди-сотди шартномасини бир томонлама бекор қилиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Поп туманидаги «Исковуттекс» қўшма корхонасида ҳам шундай ҳолат кузатилди. Унинг туркиялик таъсисчилари 2006 йилнинг иккинчи чорагида 600 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфлаш юзасидан олган мажбуриятларини охирига етказишмади. Бу эса корхонага нисбатан банкротликнинг тугатиш тамойилини жорий қилишга олиб келди.

Лафзда турмаслик билан боғлиқ бундай ҳолат «Атлас» акциядорлик жамиятига сармоядорлик қилиш вазифасини зиммасига олган «Азиятекссервис» масъулияти чекланган жамияти иш услубида ҳам аён бўлди. Корхонага сармоя бериш ўрнига ундан тегирмон сифатида фойдаланилганлиги «Атлас»нинг аҳволини баттар оғирлаштирди. Ҳозирги кунда кредиторлар йиғилиши қарори билан корхонани банкрот, деб топиш юзасидан хўжалик судига даъво-ариза киритилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ночор корхонага сармоя киритаман, деганлар жуда кўп. Бироқ уларнинг салоҳияти шунга ярашами, энг муҳими, лафзида тура оладими? Сармоядорни танлашда масаланинг ана шу жиҳатини ёддан чиқармасликни ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

***«Халқ сўзи» мухбири* Қудратилла НАЖМИДДИНОВ ёзиб олди.**


**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 ноябрдаги 542-сонли «Ўзбектўқимаш» ишлаб чиқариш бирлашмасини тугатиш масалалари тўғрисида»ги қарорига асосан**

## «ЎЗБЕКТЎҚИМАШ» ИЧБ тугатиш бошқаруви

**қуйида келтирилган бино ва иншоотларни сотиш бўйича тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади.**

**Тендер савдоларида иштирок этувчилар инвестиция ва сотиб олиш мажбуриятларини ўз зиммасига олиб, тўқимачилик асбоб-ускуналари ва машиналарига эҳтиёт қисмлар, узеллар, бутловчи буюмлар, шунингдек, тикувчилик, трикотаж буюмлари, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган ва турли хил хизматлар кўрсатувчи экологик жиҳатдан тоза бўлган корхоналар ташкил этишлари лозим.**

***«Ўзбектўқимаш» ИЧБнинг сотиладиган бино ва иншоотлари рўйхати***

| Т/р | Объектлар номи | Инвентарь рақами | Умумий майдони м² | Бошланғич баҳоси (АҚШ долларида) |
|---|---|---|---|---|
| | **Мажмуа № I** | | | |
| 1. | 1-ошхона | 630200 | 1423,5 | 83767 $ |
| 2. | Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари дўкони ва унинг ортидаги бостирма | 609000 | 159,0 | 16457 $ |
| | **Мажмуа № II** | | | |
| 3. | РМЦ мажмуаси — қозонхона участкаси, ностандарт ускуналар участкаси | 1322100, 601570, 844700, 608100, 601530, 601520 | 2443,6 | 149671 $ |
| 4. | Электр кучланиш бўлими биноси, 3-қисми | 601300 | 203,9 | 2064 $ |
| | **Мажмуа № III** | | | |
| 5. | Ёзги стадион | 601610 | 1215,0 | 8605 $ |
| | **Мажмуа № IV** | | | |
| 6. | Марказий асбоб-ускуналар омбори (П.Д.О) | 606700 | 1482,3 | 113894 $ |
| | **Мажмуа № V** | | | |
| 7. | Айланма таъминлаш компрессор станцияси биноси | 603200, 630930, 603210, 603220 | 1088,1 | 157827 $ |
| 8. | Компрессор станцияси ёрдамчи биноси | 603200 | 184,0 | 10720 $ |
| 9. | Кассеталар ишлаб чиқариш биноси (2 қаватли) | 603200 | 197,6 | 13807 $ |
| 10. | Уч секцияли кичик уй | 132300 | 48,8 | 2967 $ |
| | **Мажмуа № VI** | | | |
| 11. | Сабзавот сақлаш омбори ва 1-бўлим омбори биноси | 605200 | 252,0 | 27745 $ |
| 12. | МТТБ (ОМТС) (МК) бостирмаси | 605200 | 248,6 | 10494 $ |
| 13. | Ярим тайёр маҳсулотлар кафетерий-дўкони биноси | 607400 | 123,8 | 6026 $ |
| 14. | МТТБ омборлари ва ошхона биноси, бостирмалар ҳамда тақаб солинган иморат билан | 605200 | 662,6 | 36459 $ |
| | **Мажмуа № VII** | | | |
| 15. | Ишлаб чиқариш «Венгер омбори», иккита тақаб солинган иморат билан | 606700 | 833,1 | 40860 $ |
| 16. | Равоқсимон омбор (АС-1 қўшимча баҳо билан) | 607700, 607710 | 504,5 | 28581 $ |
| 17. | Хўжалик бўлими ходимлари дам олиш биноси | 610300 | 32,8 | 1746 $ |
| 18. | Ацетилен ишлаб чиқариш биноси | 628500 | 118,8 | 5168 $ |
| 19. | Музлатгич ва совутгичларни таъмирлаш биноси | 610300 | 34,5 | 1966 $ |
| 20. | К-3 вагон-уйи | 1645600 | 48,8 | 3123 $ |
| | **Мажмуа № VIII** | | | |
| 21. | Механизациялашган омбор, пайвандлаш участкаси билан | 628500, 606610 | 779,3 | 53262 $ |

**Тендерда иштирок этиш учун эълон чоп этилгандан бошлаб тендер иштирокчиси тугатиш бошқарувидан олган Давлат мулк қўмитаси томонидан тавсия этилган «Талабнома» асосида 15 календарь куни давомида қуйидаги ҳужжатлар тугатиш бошқарувига тақдим этилиши лозим:**

- ***тендер иштирокчиси тўғрисида тўлиқ маълумотлар;***
- ***«Бизнес-режа», инвестиция таклифлари ва бинони сотиб олиш бўйича кафолат хати ҳар бир объект бўйича алоҳида муҳрланган конвертларда тақдим этилиши керак.***

**Объектлар бўйича қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: 363-50-94, 363-50-92. Мурожаат учун манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 53-«Б» уй. Мўлжал — «Аския» бозори.**

**Тугатиш бошқаруви.**

## Суддан кейинги ўйлар

*Зиёда Шарипова Пешку туманида ташкил этилган қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиясига танловда қатнашиш истагини билдириб, тегишли ҳужжатларни тақдим этди.*

# ТАЛАБГОРНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ СОХТА ЭКАН

Шу тариқа «Бухоро» ширкат хўжалигидаги танловда Зиёда Шарипова ва Амрилло Сатторов қатнашадилар. Унинг якуни бўйича, холисона ва одил ўтказилган танловдан сўнг Шарипова 34 гектар ерга эгалик қиладиган бўлади. Бироқ бу ҳолат Амрилло Сатторовга манзур бўлмайди. У танлов натижаларидан норози бўлиб, вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилади. Ўз навбатида адлия бошқармаси комиссия раиси Б. Абдиев ва туман ҳокими номига тақдимнома киритади ва танловни қонунга мувофиқлаштиришни сўрайди. Бундай чоғда комиссия раиси ҳар иккала фермер хўжалиги томонидан тақдим этилган ҳужжатларни синчиклаб ўрганиши лозим эди. Бамаслаҳат иш қилиб, сўнг бир хулосага келиши мақсадга мувофиқ бўларди. Аммо у бошқачароқ йўл тутади. Тақдимномани олгач, ҳужжатларда танлов ўтказиб, Шариповани тақдимномадан ҳам, танловдан ҳам бехабар қолдиради. Қизиғи шундаки, ҳеч қандай асоссиз, Зиёда Шарипова тўплаган 76,3 баллдан 2 балл олиб ташлайди.

Шу тариқа Сатторовнинг «Саттор-Барака» фермер хўжалиги — 75,4, Шарипованинг «Қобилбобо» фермер хўжалиги 74,3 баллга эга бўлади. Яъни орадан 12 кун ўтгач ғолиблар ўрин алмашишади.

Биринчи танловда қонунийлик, ошкоралик таъминланганидан хурсанд бўлган Зиёданинг аввалига боши қотади. Сўнг вилоят адлия бошқармасига шикоят аризаси ёзади.

Аризани ўрганиш жараёнида Амрилло Сатторов томонидан юқори балл олиш мақсадида комиссияга илова қилинган 14 та қишлоқ хўжалик техникасидан 13 таси сохта ҳужжатлар асосида тайёрлангани аён бўлди. Аслида таклиф этилаётган техника воситалари талабгорнинг ўзига ва оила аъзоларига тегишли бўлиши назарда тутилган. Сатторов шуни билгани ҳолда туман ўрмон хўжалиги ҳисобида турган «Т-4А» тракторини ўзига сотилган қилиб, сохта баённома тузган. Ҳатто 500.000 сўм пул тўланганлиги тўғрисида сохта кирим ордери ҳам ёздириб олган.

Таассуфки, талабгорнинг найранглари бу билан тугамаган. У автомототранспорт воситаларининг олди-сотди шартномалари фақат нотариуслар, шунингдек, савдо ҳуқуқига тегишли рухсатномага эга бўлган ихтисослаштирилган савдо корхоналари томонидан амалга оширилишини билса-да, унга амал қилмаган.

«Уддабуронлик» шу даражага етганки, Сатторов умуман мавжуд бўлмаган тракторларга ўз номига техник паспорт ёздириб олган. Бу сохта ҳужжатлар эвазига у юқори балл олишга муяссар бўлган.

Яқинда вилоят хўжалик суди ушбу масалага ойдинлик киритди. Суд қарорига кўра, «Саттор-Барака» фермер хўжалигига ер бериш ҳақиқий эмас деб топилди. Сохта ҳужжатларни комиссияга тақдим этган мансабдор шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Бугун ўша ер унинг «тили»ни, нафас олишини ҳис қиладиган деҳқон — Зиёда Шарипова ихтиёрида. Меҳнаткаш аёл эса даласига меҳр қўйиб, ундан баракали хирмон кўтармоқда.

**Яндаш АЗИМОВ,**
**Бухоро вилояти хўжалик суди судьяси.**

## Руслан жангга ҳозирланмоқда



Маълумки, ҳамюртимиз Руслан Чагаев профессионал бокснинг WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазнда чемпионликка асосий даъвогар саналади. Таътил кунларини ўз юртида ўтказган Руслан чемпионлик жангига тайёргарлик кўриш учун Германияга жўнаб кетди.

Эсингизда бўлса, у ўтган йилнинг ноябрь ойида америкалик Жон Руисни катта устунлик билан енгиб, чемпионликка асосий даъвогар эканлигини исботлаган эди.

Жорий йил у ўз олдига WBA камарини қўлга киритишни бош мақсад қилиб қўйган. Бунинг учун у амалдаги чемпион — россиялик Николай Валуевни мағлубиятга учратиши керак.

— Мусобақага жиддий ҳозирлик кўраяпман, — дейди Руслан. — Валуев билан жанг ўтказишим деярли аниқ бўлган, фақат муддати, қачон ва қаерда бўлиши ҳозирча маълум эмас.

Профессионал боксда йигирмадан ортиқ жанг ўтказиб, барчасида ғалаба қозонган юртдошимизга ҳал қилувчи беллашувда ҳам омад тилаймиз.

**З ЖОНИБЕКОВ.**


АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!

«ПАХТАБАНК»

ЎЗИНИНГ ПЛАСТИК КАРТОЧКА ЭГАЛАРИГА ШУ ЙИЛ 15 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ПЛАСТИК КАРТОЧКА ҲИСОБ РАҚАМИДАГИ ҚОЛДИҚ МАБЛАҒЛАРГА ҲАР ОЙДА ЙИЛЛИК 14 ФОИЗ ДАРОМАД ТЎЛАНИШИНИ ВА ОЙМА-ОЙ КАПИТАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.







«ПАХТАБАНК»НИНГ СЎМДАГИ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ ВОСИТАСИДА

сиз ўз ҳисобингиздаги маблағлардан маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида, меҳмонхоналарда, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида, уяли алоқа компанияларида хизматлар юзасидан тўловларни амалга оширишингиз, савдо шохобчаларида товарларни сотиб олишингиз, метрополитенда йўлкирани тўлашингиз, шунингдек, тижорат банклари томонидан махсус кассаларда ўрнатилган терминаллар орқали коммунал тўловларни амалга оширишингиз мумкин.

«ПАХТАБАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

33Н/67


## СОҒЛОМ ТАНДА — СОҒ АҚЛ

Healthy Food
Sog'lom Mahsulotlar

*Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, дунёдаги болаларнинг ярмидан кўпи камқонлик — анемия хасталигига чалинган. Ушбу дарддан азият чекадиган болалар, одатда, жисмоний ва ақлий ривожланиш борасида ўз тенгқурларидан орқада қоладилар. Улар тез-тез хасталаниб туришади. Бу эса болаларнинг мактабдаги дарсларни ўзлаштиришларига салбий таъсир кўрсатади. Хаста ўқувчи тезда толиқиб қолади.*

*Шунинг учун ҳам юртимизда аҳоли, айниқса, оналар ва болалар ўртасида камқонликнинг олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда. Унни бойитиш бўйича Миллий дастур қабул қилинган. Дастурни тарғиб қилиш йўлида турли танловлар, мусобақалар ўтказиб келинаяпти. 2006 йили республика Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари ҳамда «Ўзбекистон» телерадиоканали ҳамкорлигида мамлакатимиз мактаб ўқувчилари ўртасида «Саломатлик гарови» ижодий ишлар танлови эълон қилинган эди. Ўтган давр мобайнида танловга республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси мактаб ўқувчиларидан кўплаб ижодий ишлар келди. Куни кеча танловга якун ясалди. Ҳакамлар ҳайъати Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги 4-мактаб ўқувчиси Зиёда Алламуратованинг унни бойитишга бағишланган ижодий ишини биринчи ўринга лойиқ деб топди. Шунингдек, яна бир неча ўқувчи иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлди. Ғолибларга ЮНИСЕФнинг қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.*

**Б. ЭГАМҚУЛОВ.**


O'ZSANOATQURILISHBANK

ФИЛИАЛЛАРИНИНГ ЖАМҒАРМА КАССАЛАРИДА «ҚУЛАЙ» ОМОНАТИГА ПУЛ ҚЎЙГАН ОМОНАТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!



2007 йил 15 январдан бошлаб биринчи ва кейинги 3 ойлик сақлаш муддати тугаган «Қулай» омонатидаги пул маблағлари, ушбу омонатга пул маблағлари тўхтатилганлиги муносабати билан кейинги 3 ой муддатга узайтирилмаслигини маълум қилади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» омонатчиларга «Қулай» муддатли омонатидаги пул маблағларини банкнинг бошқа турдаги омонатларига қайта расмийлаштиришларини таклиф қилади.

Қўшимча маълумотларни 120-45-24, 136-06-54 телефонлари орқали олиш мумкин.

Суд бошқарувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар диққатига!

Аукцион ва танлов савдоларини ташкиллаштиришга ихтисослашган ташкилот — «Кимошди савдолари агентлиги» МЧЖ ўз фаолиятини кўчмас мулк бозорида 2003 йилдан бери амалга ошириб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида агентлик томонидан ташкил қилинган аукцион ва танлов савдоларида умумий 232 та ҳар хил турдаги кўчмас мулк объектлари 6,3 млрд. сўмга сотилган.

Ҳозирги кунда агентлик аукцион ва танлов савдоларини ташкиллаштириш ва ўтказиш, жумладан, хўжалик судлари томонидан банкрот деб топилган корхоналарнинг объект ва мол-мулкларини сотиш бўйича катта тажрибага эга бўлган етакчи ташкилотлардан бири ҳисобланади.

Агентлик Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларидаги аукцион ва танлов савдоларини ташкиллаштирувчи ихтисослашган агентликлар билан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиб келмоқда.

***Биз сизларга манзур бўладиган шартлардаги ўзаро шартнома асосида ҳамкорлик қилиб, ўз хизматларимизни кўрсатишга тайёрлигимизни билдирамиз.***

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй, 4-қават, 428-хона.
Мурожаат учун телефон: 142-43-97.

12R/16

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS



ГАЗ-31105, «ВОЛГА»



ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли



ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли



ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли



ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли



ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА



ГАЗ-3307 Автоэвакуатор



ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

"BEUKEVELD EXPORTS BV"
Голландия компанияси

Ford · FIAT · JOHN DEERE · CASE IH · MASSEY FERGUSON · NEW HOLLAND

Жаҳонда етакчи бўлган ишлаб чиқарувчиларнинг АРЗОН НАРХЛИ, СИФАТЛИ қишлоқ хўжалиги техникаларини таклиф этади.

Бизда 75-350 от кучига эга бўлган тракторлар, комбайнлар, экин экиш ва ерга ишлов бериш техникалари мавжуд.



Pauny Zanello · John Deere

Батафсил маълумотлар: www.beukeverld.nl веб-сайтида.

Маълумот олиш учун боғланиш:
Бизнинг манзил: Hoekvaartweg 34, 1771 RP Wieringerwerf, the Netherlands (Голландия)
тел: 31-227-604300
факс: 31-227-604422
email: info@beukeveld.nl

Минтақадаги ваколатхона; Қозоғистон, Кустанай ш., Бородин к.,235/1,
тел: 8 3142 576140
email: intexnika@mail.ru


Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси Жойларда амалий машғулотлар ва тажриба орттириш бўлими мудирининг муовини Умида Худойбергановага волидаи муҳтарамаси
**Аля ая КАРИМОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси республика радиосида узоқ йиллар сухандонлик қилган
**Суннатилла Ҳасанович АҲМЕДОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 053. 38237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.10 23456